

Хазрат Навоийни таърифласак... ул зоти шарифнинг даҳолик кўламини, миллат тақдиридаги ахамиятини тарозига солиб ўлчагандек, ҳисоб-китобини чиқаришга урингандек бўлиб қоламиз. Бунинг эса имкони йўқ. Шарт ҳам эмас. Навоий беназир, Навоий бекиёс.

Юртимиз буюк шоир номи билан аталган вилоят бор, шахару кентлар, театру саройлар, илмий ва таҳсил даргоҳлари беҳисоб. Чет элларда ҳам азамат хайкаллари қад ростлаб турибди. Навоий-миллатимиз шарафи, маънавият кўкидаги безавол офтоб.

Лекин “авлиёларнинг авлиёси” аталмиш бул зотни асосан таваллуд саналарида навоийхонлик айёмларида эслаймиз-а, тўғрими? Ўша кунлар юртнинг тўрт тарафида илмий-адабий анжуманлар, расмий-норасмий тадбирлар ўтказилади, биз катталар ҳам ҳадеганда магзини чақолмайдиган сатрларини бийрон кизалоклару болақайлар радио-телевизор орқали ёд ўқиб беради.

Бари қутлуг, бари таҳсинбоп. Аммо бу янглиг тадбир-тадориклар Навоий даҳосига яқинлаштириши масаласига келганда ўйланиб қоласиз: аксинча бўлмаётимизми? Чунки байрам сахналарини тўлдирганларнинг аксарияти Навоийга бегона, илмий –иждодий бисоти моҳиятидан беҳабар тасодифий “ижрочи”ларга ўхшайди. Улуг аждодимизни эсламок, хотирасини эъзозламок, шарафламок- савоб, қори хайр, албатта. Бирок умрини ул зот келажак авлодлар унинг таваллуд айёмини яққаш байрамона руҳда ўтказишини орзу қилмагандир!..

Хўш, Навоийни чинакамига биламизми? Англаймизми? Англадикми?

Англаганимизда бошқача бўларди: юрт ҳам, эл ҳам. Ўзимиз, ҳар биримиз. Радиога кулок тутинг, магрур жар солаётир: “Башарият тарихида Навоийдек даҳо қамдан қам!”.

Тўғри, лекин инсоният ҳазратни муносиб мақомда танидимиз, тан олдимиз? Қўп йиллар бурун Гуржистонда меҳмон бўлиб, бир райком сарқотибининг қирқ дақиқа тик турган ҳолда Шота Руставелининг “Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон” достонидан ёд ўқиганини кўрганман. Қотибу сарқотибларниқу қўя турайлик, ўзим- адабиётнинг устидан нон еб юрган одам, Навоийдан шунча нарса биламанми? Сиз-чи?

Умуман миллатимиз фаҳри бўлмиш буюқ мутафаккирни инсониятга танитмок борасида сизу биз- бугунги авлод қилаётган ишлар қўнғил тўлгуликми? Жаҳонга бўй кўрсатиш иштиёқида сарфлаанётган маблағлардан Навоийга аталгани қанча? Навоий деб юрганларимиз қўпб аммо чинакам навоийшунослар қани? Чет тилларда сайрайдиган бугуни ёшларимиз бобоқалонларини жаҳонга танитишда нима қаромат кўрсатяпти? Тирикликнинг ҳазрат Навоий “панжа урмаган” муаммоси топилмас, лекин шу ўринда “икки йўлчи”дан “Максуд Шайхзода таърифи” бири- Захириддин Мухаммад Бобурнинг ҳали-ҳамон чала ўқилган мисралари ёдга тушади:

Ҳар вақтке кўргасен менинг сўзумни,
Сўзимни ўқуб англагайсен ўзумни...

Эркин АЪЗАМ